

# МЕҲНАТ





БИРИНЧИ МАЙ ВА МЕҲНАТНИНГ ҲАМОҲАНГЛИГИ ТАБИИЙ. У энг аввало меҳнат кишисининг байрами. Шунинг учун ҳам қутлов сўзлари биринчи навбатда унга бағишланади.

Бу шодиёна арафасида Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаси ғолиблари эълон қилинди. Улар орасида пойтахт саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари илмий муассасалари кўплиги қувонарли ҳолдир. Бу ғолиблар — «Технолог» ва «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Средазтрансстрой», «Узэлектромонтаж», «Узагросантехгазмонтаж» трестлари, «Лола», бадиий буюмлар фабрикалари, 2-уйсозлик комбинати майолди мусобақасининг ҳам олдинги сафларида бормоқдалар.

Шу йилнинг биринчи кварталида Тошкент индустрияси ишлаб чиқариш ҳажмини 4,4 процентга кўпайтирди. Планга қўшимча 21 трактор, 155 трактор прицепи, 129 пахта териш машинаси, 30 та йигирув машинаси, миллионлаб сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Қурувчилар 110,9 миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширдилар. Янги турар жойлар, мактаб ва боғчалар қад кўтарди.

Ҳа, ҳали экономикада жиддий камчиликлар кўп. Аммо қайта қуриш натижасида уйғонган ташаббускорлик, ишчанлик, шижоат олға томон ҳаракатимизни тезлаштира бошлади. Эртага байрам колонналари узра ҳилпирайдиган алвонларда ҳам ана шу бунёдкорлик меҳнати шарафланади.

СУРАТЛАРДА: Даврон Хўжакелдиев «Отделстрой» трести 46-қурилиш бошқармасининг илғор дурадгорларидан бири; республика социалистик мусобақаси ғолиби — кўзгули мебель фабрикаси директорининг сифат бўйича ўринбосари Артур Бугатов; «Ташсельмаш»нинг йиғув цехида.

# Давр даъвати

Баъзан ўйланиб кетаман. Шундай кезларда қайта қуриш ишига муносиб ҳисса қўшаяпманми, деган савол олдимда кўндаланг бўлади. Кундалик, ҳафталик, борингки, ойлик ишимни сарҳисоб қиламан. Рақамлардан мамнун бўлсамда, лекин нимадандир кўнглим тўлмайди. Янада унумлироқ ишлашга ҳаракат қиламан. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки мен — коммунистман. Коммунистик виждоним ўз устимдан назорат қилиб туришга, давримизнинг энг илғор кишилари сафида бўлишга, ҳар бир ишда ёшларга, қолаверса, оилада камол топаётган фарзандларимга ибрат бўлишга ундайди.

Ушбу сатрларни ўқиган кишилар бу одам ўзига ортиқча бино қўйяпти, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин мен бундай ўй-фикрдан мутлақо йироқман. Қалб амрига яраша иш тутяпман.

Пешона терим эвазига эл ўртасида танилдим. Номим узоқларга ёйилди. Область мукофотининг лауреати бўлдим. II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени ва бир қанча медаль ва ғолиблик нишонлари кўкрагимни безади.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биз ишлаётган филиалида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтирмай, биргина мен ишлаётган истеъмол буюмлари цехини март ойидан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётганининг ўзини айтсам кифоя. Янгича усул дастлабки кунларданоқ ўз самарасини кўрсатди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз ортди. Ойлик маошимиз икки баравар кўпайди.

Цехимизда 61 киши меҳнат қилади. Улар турли миллат вакилларидир. Орамизда рус, украин, ўзбек, қозоқ, татар, бошқирд ва бошқа миллат кишиларини учратиш мумкин. Корхонадаги меҳнат бизни ўзаро бирлаштирди, дўстлаштирди.

Бир нарса сира эсимдан чиқмайди. Тасодиф туфайли қўлим ўзим ишлаётган станок тиғига тегиб кетди. Касалхонада ётиб қолдим. Ўша мен учун оғир кезларда касбдошларим ҳар куни ишдан кейин ёнимда бўлишди. Корхонанинг кундалик ҳаётидан мени хабардор қилиб туришди, кўнглимни кўтариб, дардимга малҳам бўлишди. Дўстлик қудрати ҳамма нарсадан устунлигини ўшанда яққол ҳис этганман.

Цехимизда асосан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. Улар 27 турдан иборат, қўлимиздан чиқаётган ток қайчи, тунука қайчи ва бошқа маҳсулотларга талаб борган сари ортиб бормоқда. Биргина ток қайчининг ўзидан бир кунда 2,5 мингга яқин ишлаб чиқарамиз.

Коллективда беш коммунист ва икки аъзоликка кандидат бор. Уларнинг ҳаммасига партиявий топшириқ берилган. Мен ўзим цех партия ташкилотига секретарлик қиламан. Яқинда ўтказилган аттестация коммунистларимиз учун катта бир синов бўлди. Бу имтиҳондан ҳаммамиз муваффақиятли ўтдик.

Халқимизда «Меҳнат — кишини улуғлайди» деган гап бор. Бу ҳақ сўз. Меҳнат туфайли бахт топдим. Оилали бўлдим. Бешта фарзанд отасиман. Икки ўғлим — Равшан ва Шуҳрат қурилишда ишлашади. Ҳабибулла политехника институтини битирди. Геолог. Фурқат ҳарбийда йигитлик бурчини ўтамоқда.

Куни кеча мен учун яна бир қувончли воқеа рўй берди. Корхона маъмурияти, партия ташкилоти мени 1 Май байрами куни Бош майдондан илғор ишчилар сафида ўтишимни айтишди.

**Х. НОСИРОВ,**
**КПСС аъзоси, асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.**

## Сўз—мусобақа ғолибларига

**Р. АЛИЕВ.**
**СССР Ўрмон саноати министрлигига қарашли «Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кўзгу-мебель фабрикаси директори.**

Ўтган йилги якунларга кўра республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқдик. Ютуқлар коллективга қанот бағишлайди.

Корхонамиз бу йил ҳам самарали меҳнат қилиб, ойлик ва квартал топшириқларини пешма-пеш бажариб келмоқда. Жумладан 4 ойлик топшириқларини шараф билан уддалаб, 1 Май байрамини ёруғ юз билан кутиб олишга эришдик. 970 минг сўмлик кўзгулар буюртмачиларга етказиб берилди. 64 минг квадрат метр кўзгу тайёрланди. Унумдорлик 102,1 процентга ошди.

⊙

**Ҳ. ҚОРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент кўн-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари.**

Корхонамиз цехларида меҳнат сурури ўзгача. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни 1 Май шарафига социалистик мусобақа авж олдириб юборилган, Корхона ишчилари имкониятлардан унумли фойдаланиши натижасида ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ишчиларимиз 1989 йил 4 ойлик якунига кўра ҳам пландаги 2 миллион 685 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 825 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашди. Шунингдек шартнома асосида 11 миллион 278 минг сўмлик, «Н» индекси билан 650 минг ўрнига 750 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб буюртмачиларга етказиб берди.

СССР—умумий уйимиз

# «Тошкентликлардан мамнунмиз!»

Арманистон, Тожикистон... Қисқа фурсат ичида нохуш хабарлар келди: табиий офат, зилзила! Биз бу ерларнинг бир-биридан бўстон эканлигини билардик, у ерларда булбуллар сайрарди, бехосдан рўй берган кулфат кўпгина жойларни вайронага айлантирди. Қушлар туғул, одамлар юраги безиллаб қолди. Ана шунда биз дўстлик, қардошлик деган оддий, кўп такрорланадиган сўзларнинг жарангини, янгича мазмунини ҳис этдик. Инсонларнинг кундалик рўзғор майда-чуйда ташвишларидан қанчалик улуғвор мақсадлар томон яшин тезлигида аҳил ва якдил интилишини кўрдик!

Эҳтимол, баъзилар байрам айёмида бу нохуш воқеаларни эслашнинг нима кераги бор эди, дейишлари мумкин. Айтингчи, яхши кунларда, масалан, тўйда «қора кунлар» эсланмайдими, ахир. Ёки Ғалаба кунларида жангда қон ютиб, қон кечган, жонини шу юртимиз учун фидо қилганлар ёдга олинмайдими, ахир? Уларни эслаганда, қувончли кунда ҳам юм-юм йиғлаганларни ҳеч кўрмаганмисиз? Бир марта май айёмларининг бирида сармаст ҳолдаги кўкси орденга ва медалларга тўла ветераннинг тахта ўриндиқда кўз ёш тўкиб ўтирганига гувоҳ бўлганман. Маълум бўлишича, улар фронтда тўрт дўст бирга бўлишган ва жанг қилишган экан, агар кимда-ким ўз юртига эсон-омон қайтиб борса, дўстлари учун ҳам қадаҳ кўтаришга қасамёд қилишган экан. Ҳар байрамда ветеран биргина ўзи шу сабабдан уларни ана шундай эслайди.

Энди бир лаҳза кўзларингизни юмиб, хаёлингизга эрк беринг-а: ўтган йилнинг 7 декабрь фожиали кунида Ленинакан, Кировакан ва Спитакда қанчадан-қанча одамлар нобуд бўлмади дейсиз. Ёки Тожикистоннинг Шарора, Оқулиболо ва Оқулипоён қишлоқларида-чи? Улар орасида ҳали ўн саккизга тўлмаган, қўшни қиз билан хат олиб, хат беришиб юрганлар қанча эди! Бахт тўйини ўтган ҳафтада «базми-жамшид» қилиб ўтказганларчи? Бу йил энди қўлларига гувоҳномани олишни орзиқиб кутганларчи? Эслайверсанг, юракларинг увишиб кетади...

Биринчилар қаторида Арманистонга ёрдам бериш учун отланган Тошкент область ва шаҳар комсомол ташкилотлари вакиллари билан суҳбатлашганимда улар бундан ҳам юрак увишадиган манзараларни сўзлаб беришди.

— Зилзиладан икки кун кейиноқ тошкентликлар йўллаган дори-дармон ва кийим-кечакларни Ереванга элтиб бергани бордик, — деб ҳикоя қилади шаҳар комсомол комитети вакили Рустам Соатов. — Биз билан 84 тоғ қутқарувчиси ҳам бирга келди. Дарҳол дори-дармонларнинг бир қисмини аэропортда қолдирдик. Кийим-кечаклар ва яна зарур буюмларни машинага ортиб, Ленинаканга — зилзила рўй берган шаҳарга йўл олдик. Йўллар, чор-атроф қоронғи. Фақат машинамиз ва гоҳ-гоҳида ҳарбийларнинг прожекторлари йўл четларини ёритиб ўтарди. Кун совуқ денг. 10—12 даража бор. Пальтодамизу, лекин совқотяпмиз. Ҳамроҳим Фурқат Хайруллаев билан шаҳарга ҳам етиб келдик. Ҳаммаёқ аралаш-қуралаш. Палаткадаги «штаб»ни бир неча соат уёқдан-буёққа қидираверив, аранг топдик. Чунки чет элликлар ҳам ёрдамга келишган. Кўплари тил билмайди. Ўша куни бир амаллаб тонг оттирдик. Эрталаб турсак, бу манзарага инсон зоти чидай олмайди: юзлаб тобутлар, йиғи-сиғи, ярим-ёртиси омон қолган 4—5 ва 9 қаватли уйлар... Бир уйнинг икки чеккаси қулаб тушган бўлса, бирининг ўртаси йўқ денг. Битта уйда каравотнинг ярми чиқиб турибди. Холодильник шундоққина бурчакда турибди. Кўп уйлар хароба, шундоққина вайронага айланган. Бир ойгача бу манзара кўз олдимдан кетмади...

Арман дўстларимиз тошкентликлардан миннатдор бўлишди.

Нимасини айтасиз? Биз айни пайтида борган эканмиз. Уларга нималар биринчи галда зарурлигини айтишди. 14 декабрь куни «Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди жўнаб кетди.

Бу — биргина гувоҳнинг ҳикояси. Эҳ-ҳе, арман дўстларимизга кимлар ёрдам бермади, дейсиз. Етти иқлимдан кўмак келиб турди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида штаб ишлаб турибди. 41-41-04 телефонига кимлар қўнғироқ қилмади, ўз амалий ёрдамини таклиф этмади, дейсиз. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Абу Райҳон Беруний номидаги политехника институти, ТошМИ коллективларининг ёрдами-чи? Улар ҳам биринчилар қаторида озиқ-овқат, палаткаю, иссиқ кийимлардан тортиб, дори-дармону пойабзалгача етказиб бердилар.

Орадан анча вақт ўтиб, Арманистон ЛКСМ Марказий Комитети тузган «Қидирув» группаси вакиллари Спартак Айрапетян ва Сос Карагулянлар Тошкентга келишди. Мақсад — зилзила рўй берган Арманистон шаҳар ва қишлоқларида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғ ва ёру дўстларини топиш эди. Бутуниттифоқ минерал хом ашёси экономикаси институти Кавказ бўлимининг бу илмий ходимлари ўз ташаббуслари билан ана шундай хайрли ишга қўл урибдилар.

—Бу йил ҳовли тўйлари албатта ўтади,—дейишди улар, — биз, ўзбекистонликлардан, тошкентликлардан мамнунмиз!

Ҳа, «УзНИИПградостроительства», «ТашЗНИИЭП» лойиҳалари асосида Арманистонда, зилзила марказида 2—3 қаватли турар жойлар, бир қаватли боғчалар, икки қаватли мактаблар қад кўтаряпти. Тошкент области ва ҚҚАССР қурувчилари Жажур ва Цахкасар совхозларида ишлашяпти. Ҳар бир область қурувчилари учун «иш фронти» тайин — колхоз ва совхозларда кенг миқёсда иш олиб боришяпти.

1966 йили — Тошкент зилзиласи рўй бергандан сўнг орадан 22 йил ўтгач, Арманистонда табиий офат юз бериши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Аммо, дўст бошга иш тушганда билинади, деганларидек, агар 1966 йили Тошкентда «Арман квартали» қад кўтарган бўлса, бугунги кунда Арманистонда «Тошкент квартали» барпо этиляпти. Жами 25 минг квадрат метр уй-жой, 1250 ўринли мактаб, 160 ўринли боғча, яна кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриб, дўстларга совға этиш — тошкентликларнинг эзгу ниятидир. Бутун республикамиз бунёдкорлари эса юз минг квадрат метрлаб янги уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари, шифохоналар ва ишлаб чиқариш объектлари қуриб берадилар. 700412—счётигачи?

Студент-ўқувчилардан тортиб кекса отахону онахонларимизгача маблағларини ана шу счётга ўтказдилар. Минглаб тошкентликлар ихтиёрий равишда Арманистон ва Тожикистонга кийим-кечак ва бошқа зарур буюмларни тўплаб бердилар. Юзлаб меҳнаткашлар ўз отпускаларида кўнгилли равишда аэропорт, вокзал ва пунктларда буюмларни тўплаш, саралаш ва жўнатиш ишларида фаоллик кўрсатдилар.

Шаҳар штабида эса тиним йўқ... Биз бу ерда жамики моддий ёрдамни санаб ўтирмаймиз. Дўстлар мадади — олтиндан ҳам қиммат эканини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя!

Она-табиатнинг бир қизиқ хусусиятига кўпдан буён лол қоламан: худди инсонларни синамоқчи бўлгандек гоҳи-гоҳида улар бошига табиий офат келтиради. Айни пайтда инсонлар қалбига меҳру-оташ оловини ҳам пуркайди, шу—иккинчиси ҳамиша ғолиб келади! Шу меҳр, шу оташ вайронани кошонага айлантиради, бу меҳр, бу оташ булбулларни бўстонга қайтаради, шу меҳр ва шу оташ сиз билан бизга ҳамиша Инсон — ўзинг! деб туради.

Агар у бўлмаса, вайрона эди ҳар қандай кошона ҳам, агар у бўлмаса, маъноси йўқ бўлар эди яшамоқнинг ҳам.

**Ҳамид ИКРОМОВ.**





# ДЎСТЛИК



МИЛЛАТИМИЗ, ТИЛЛАРИМИЗ ТУРЛИЧА, ЛЕКИН МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК. Пойтахтдаги жуда кўп меҳнат коллективлари бу сўзларга қўшилишларига аминмиз. Қайси бригада, участка, цехни олиб қараманг, уларда бир қанча миллат вакилларини учратасиз. Ўзбек ва рус, тожик ва татар, қирғиз ва туркман, корейс ва уйғур ёнма-ён дастгоҳларда меҳнат қиладилар. Улар бир-бирларига устоз, бир-бирларига шогирд.

Халқларимиз ўртасидаги қон-қардошлик вақтнинг жиддий синовларидан ўтди. Кейинги вақтларда айрим жойларда содир бўлган миллатлараро зиддиятлар совет кишиларининг бирдамлиги, аҳиллигига раҳна сололмайди, солишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки биз дўстлигимиз билан қудратлимиз, ихтиёрий иттифоқимиз шарофати туфайли тараққиётга эришмоқдамиз.

Ушбу суратларга диққат билан разм солинг. Мана, қозоқ қизи Жамила Секерова. У «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси. Турли миллат вакиллари меҳнат қилаётган 4-цех ишчилари байрамни муносиб кутиб олмоқдалар.

Украин Анатолий Викторович Сидорченко (суратда чапда) «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири. У ҳамкасблари билан янги илмий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида фикр алмашмоқда.

Ана шундай қувноқ, қўлни қўлга бериб биргаликда одим отиш қандай бахт!

# Интернационал цех

Дала меҳнаткашлари, умуман қишлоқ хўжалиги учун зарур ҳисобланган мавсумий ошхона вагонлари Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводида ишлаб чиқарилади. Бундай вагонларни тез ва сифатли қилиб етказиб беришда 70 кишини бирлаштирган интернационал цехнинг хизмати катта бўлмоқда. «Интернационал цех» номини олишининг боиси бор, албатта. Бу ҳақда завод партия комитетининг секретари Х. А. Аррабоев қуйидагиларни гапириб берди:

— Кўп кишилик мазкур коллективда грек, қозоқ, татар, рус ва немис каби ўндан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар ҳар ойда 66—67 тага етказиб вагон-ошхоналар ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, заводимизда маданий, маиший объектларни бунёдга келтиришда ҳам уларнинг беқиёс хизматлари бор. Цехнинг мавжуд иккита комплекс бригадасида Владимир Ивлеев, Носир Исамуҳамедов, Александр Шупцов, Шавкат Юсупов, Илдар Бобоалиев ва Владимир Даниел сингари ишлаб чиқариш илғорлари вагончилар коллективидагина эмас, балки заводда ҳам катта шуҳрат қозонишган. Уларнинг ойлик иш натижалари ҳар сафар 130—140 процентлик кўрсаткичдан иборат бўлмоқда. Ишчиларнинг деярли кўпчилигини коммунистлар ташкил қилади. Интернационалчиларнинг аҳил коллективи, шунингдек байрам арафасида ҳам ишларига ижодий ёндошиб, план-топшириқларини муддатидан аввал адо этишга эришдилар.

Дарвоқе, заводда турли миллат вакилларини бирлаштирган бригадалар, цехлар талайгина. Улар бир тану, бир жон бўлиб, бир оила фарзандларидек зиммаларига олган планларини бажариб келмоқдалар. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни арафасида Асқар Десенбоев билан Шуҳрат Каримовларга партия билетлари топширилди.

Хуллас, интернационал экскаваторчи-ремонтчи л а р коллективи меҳнаткашлар байрамини муносиб меҳнат совғалари билан қарши олмоқдалар.

**Ф. ҲУСАНОВА.**

